

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАНАБЕРГЕНОВА АЙСУЛҮЮ ЖАКСЫЛЫКОВНА

**АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
МУСТАҚИЛ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Жанабергенова Айсулыу Жаксылыковна

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини
ташқил этиш методикасини такомиллаштириш..... 3

Жанабергенова Айсулыу Жаксылыковна

Совершенствование методики организации самостоятельной работы
студентов в информационной образовательной среде..... 22

Janabergenova Aysulu Jaksilikovna

Improving the methodology of organizing students' independent work in an
informed educational environment 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАНАБЕРГЕНОВА АЙСУЛҮУ ЖАКСЫЛЫКОВНА

**АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Ped719 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Эргашев Жамшид Бахтиёрович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат униерситети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "12" ноябрь соат 8⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (манзил: 100085, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел. (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида таништин мумкин (1438 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100085, Тошкент шаҳри Чиланзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел. 99871 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2021 йил "1" ноябрь да тарқатилди.
(2021 йил "1" ноябрь да "07" рақамли реестр баённомаси)


У.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор
Р.Г.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент
Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қoшидaги Илмий
сезпаар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг мустақил иши, креатив (ижодий) қобилиятларини ривожлантиришнинг локал модулли технологиялари таълим жараёнларига татбиқ қилинмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болонья декларацияси доирасида ўқитиш жараёнини фаоллаштириш, таълим сифатини ошириш, талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишни ривожлантириш, ўқитишнинг фаол ва интерфаол шакллари вариативлигини таъминлаш, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш бўйича таълим натижаларини баҳолаш тизимларини такомиллаштириш¹ ҳамда йирик лойҳаларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим жараёни иштирокчиларининг мустақил ишини такомиллаштириш, талабаларнинг шахсий-касбий, иждодий имконият ва интегротив тафаккурини шакллантириш, онлайн режимда ўқитишнинг психологик хусусиятларини аниқлаштириш, тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини кенгайтириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, талабаларнинг мустақил иши компотенталарини ривожлантиришда замонавий дидактик воситалардан фойдаланиш, касбий йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш, мультимедиа, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, талабаларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз таълим муассасаларида сўнгги йилларда хорижий давлатлар тажрибаси асосида талабаларнинг мустақил иш фаолияти, ўқув-услугий таъминот, янги ўқув технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, олий таълим муассасаларининг халқаро илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув жараёни, халқаро таълим стандартларига асосланган педагогик технологиялар ва ўқув-услугий материалларни жорий қилишнинг меъёрий асослари яратилмоқда ва таълим муассасаларининг инфраструктураси ривожлантирилмоқда. Ҳозирда республикада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида “Ёшларни жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”² устувор вазифа сифатида эътироф этилмоқда.

¹ Богословский И.В., Писарева С.А., Тряпицына А.П. Академический мобильность: реализация в Болонском процессе: метод. пособия для студентов. –СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2007.-55стр.

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 17 мартдаги ПҚ-4642-сон “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни it-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълимни ахборотлаштириш назарияси У.Бегимқулов, Р.Жўраев, М.Цой; олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш масалалари Б.Зиёмуҳаммадов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Н.С.Сайидахмедов, Ҳ.Қаршибоев; таълимга информатика ва ахборот технологияларини жорий этиш муаммолари Г.Абылова, А.Аширова, М.Мамаражабов, У.Насритдинова, С.Турсунов, М.Файзиева, Д.Эсонбаева; талабаларнинг мустақил ишини такомиллаштириш мазмуни ва методикасини такомиллаштириш М.Баракаев, Т.Жўраев, Г.В.Злоцкий, Г.Изетаева, О.А.Қўйсинов, С.И.Қўлмаматов, М.Тожиев, Н.Р.Ғайбуллаев, Д.Юнусоваларнинг илмий ишларида татбиқ қилинган.

Ахборот таълим муҳитини ривожлантиришнинг технологик жихатлари А.М.Башмаков, С.В.Коровин, В.В.Мешков, В.А.Старых, талабаларнинг мустақил ишини такомиллаштириш Н.В.Сметанина, Г.И.Саранцев, Л.П.Якушкина, А.А.Дробишевский, ахборот-коммуникация технологияларини касбий-педагогик фаолиятда фойдаланишга тайёрлаш масалалари Е.Н.Пряхина, Н.Е.Пикина, В.Пугач, Н.Софроноваларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

C.W.Cobb, G.Pimbley, P.H.Douglas, Дж.Дьюи, И.Ф.Гербард, Я.А.Коменскийларнинг илмий ишларида мустақил иш самарадорлигини ошириш; Ch.Abbott, N.Anderson, F.Barbara, A.Connell, A.Edwards, M.Hammind, V.Jadhav, S.Kennewell, A.Sharma, S.Sharma, W.N.Chambers, E.L.Cowen, Locard James, F.Raymond, H.Tanner, C.Wickensларнинг илмий-тадқиқотларида таълимда ахборот технологияларини қўллашнинг аҳамияти ва улардан фойдаланиш асослари ёритилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-23 рақамли “Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

анъанавий ва электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумот базаларида мустақил ишларни ташкил этишнинг педагогик имкониятларини таҳлил қилиш;

ўқув-билиш жараёнини таъминловчи ахборот-техник, ўқув-методик таъминот, мультимедиали электрон таълим ресурсларини яратиш методикасини такомиллаштириш;

ахборотлашган таълим муҳитида мустақил ишларни ташкил этишнинг мажмуавий-технологик моделини такомиллаштириш;

ахборотлашган таълим муҳитида мустақил ишларни такомиллаштиришда таълим сифати ва самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил ишини такомиллаштириш жараёни танланган бўлиб, унда Тошкент давлат педагогика университети, Андижон давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтидан 308 нафар талабалар иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети ахборотлашган таълим муҳитида талабаларининг мустақил ишини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест, кузатиш, лойиҳалаштирилган методлар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш) ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.) методлар мажмуи қўлланди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикаси билиш жараёни омилларининг (мақсад, восита, натижа, ижтимоийлик) педагогик-психологик хусусиятларини (эхтиёж, қизиқиш, ибрат олиш билан боғлиқ маънавий-эстетик тарбияга йўналтирилганлик) электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумотлар базалари, ўқув-методик мажмуаларини компьютер телекоммуникация технологиялари билан уйғунлаштириш асосида аниқлаштирилган;

талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш босқичлари ташкилий-методик таъминотдан фойдаланиш интеграциясига (кетма-кетлик, боғлиқлик, тўлдириш) амал қилиш ҳамда виртуал таълим муҳитини яратиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, таълим технологияларининг дидактик имкониятларини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг мустақил ишлаш натижадорлиги даражасини ошириш ёндашувлари шахс ва ижодкорлик фаолиятини ўрганиш таркиби (портфолио, ассисмент, какография, ижодий топшириқлар) ҳамда матн таҳлили элементларини (эмпатия, илмий фараз, рамзий кўриш, ўйлаб топиш, агглютинация) киритиш асосида такомиллаштирилган;

ахборот талиминини риожлантириш шароитида талабаларда мустақил фикрлаш шахсий мулоҳозаларни баён қилиш, қарор қабул қила олиш, шахсий-касбий компитентликни ривожлантиришнинг интеграллашган ўқув-методик таъминоти (адаптив, когнитив, интегратив-фаолиятли) босқичлари мазмуни дидактик, мантиқийлик, педагогик компетентлик тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини такомиллаштиришнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

5110200 – Физика ва астрономия ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун “Математика фанидан амалий ва мустақил ишлар” ўқув қўлланмаси нашр қилинган;

“Математика” фанидан “Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш” таълим ресурси яратилган ҳамда талабаларни мотивацияловчи топшириқлар тўплами ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда илгари сурилган назарий қарашлар ва амалий таклифларнинг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари, ОАК тасарруфидаги илмий нашрларда чоп қилинган мақолалар, нашр қилинган ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усуллар ёрдамида исботлангани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасининг ташкилий-услубий таъминоти яратилгани, мустақил ишнинг ўрни ва ташкил қилиниши, лойиҳалаш моделининг шакллантирилгани, илғор педагогик технологиялар ёрдамида талабаларнинг мустақил ишини такомиллаштириш ва шу асосида уларда мустақил фаолият юритиш кўникмасининг ривожлантирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мустақил иш машғулотлари ишлаб чиқилгани, таълимни ахборотлаштириш шароитида олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг мустақил ишини такомиллаштириш механизмларидан 5110200 – Физика ва астрономия ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналиши Давлат таълим стандарти, малака талаблари, янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикаси билиш жараёни омилларининг (мақсад, восита, натижа, ижтимоийлик) педагогик-психологик хусусиятларини (эҳтиёж, қизиқиш, ибрат олиш билан боғлиқ маънавий-эстетик тарбияга йўналтирилганлик) электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумотлар базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер телекоммуникация технологиялари билан уйғунлаштириш асосида аниқлаштиришга оид таклифлар асосида “Математика фанидан амалий ва мустақил ишлар” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676–сон буйруғи, 676-078-сон гувоҳнома). Натижада, анъанавий ва электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумот базаларида мустақил ишларни ташкил этишдаги имкониятлар кенгайтирилган;

талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш босқичлари ташкилий-методик таъминотдан фойдаланиш интеграциясига (кетма-кетлик, боғлиқлик, тўлдириш) амал қилиш ҳамда виртуал таълим муҳитини яратиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, таълим технологияларининг дидактик имкониятларини ҳисобга олиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-123 рақамли “Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиа дари ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 26 февралдаги 89-03-845-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг билим салоҳиятини мустаҳкамлашга, креатив фикрлай оладиган шахсни тайёрлаш имконияти оширилган;

талабаларнинг мустақил ишлаш натижадорлиги даражасини ошириш ёндашувлари шахс ва ижодкорлик фаолиятини ўрганиш таркиби (портфолио, ассисмент, какография, ижодий топшириқлар) ҳамда матн таҳлили элементларини (эмпатия, илмий фараз, рамзий кўриш, ўйлаб топиш, агглютинация) киритиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар юзасидан “Математика фанидан амалий ва мустақил ишлар” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилди (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сон буйруғи, 676-078-сон гувоҳнома). Натижада, ўқув-

билув жараёнини таъминловчи ахборот-техник, ўқув-методик таъминот, мультимедиали электрон таълим ресурсларини яратиш методикасини такомиллаштиришга эришилган;

ахборот талимини риожлантириш шароитида талабаларда мустақил фикрлаш шахсий мулоҳозаларни баён қилиш, қарор қабул қила олиш, шахсий-касбий компитентликни ривожлантиришнинг интеграллашган ўқув-методик таъминоти (адаптив, когнитив, интегратив-фаолиятли) босқичлари мазмуни дидактик, мантиқийлик, педагогик компетентлик тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар юзасидан “Математика фанидан амалий ва мустақил ишлар” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сон буйруғи, 676-078-сон гувоҳнома). Натижада, талабаларнинг ахборотлашган таълим муҳитида мустақил ишини такомиллаштиришда таълим сифати ва самарадорлигини аниқлаш имконияти оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та республика ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та (3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини такомиллаштириш методикасининг илмий-назарий асослари**” деб номланган бўлиб, унда ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида кўрилди, унинг

методикасини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилди ва таълим технологиясининг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди.

Ахборот технологиялари назариясига кўра “ахборот” (лотинча сўздан олинган бўлиб, инфор­мацион – тушунтириш, хабар бериш маъносини англатади) кибернетиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, хабар, маълумот, кўрсаткичлар йиғиндисидир. “Ахборот-таълим муҳити” – аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуи.

Ахборот-таълим муҳитини таърифлашда бир қанча ўзаро фарқ қилувчи қарашлар мавжуд, жумладан:

инсон билан таълим муҳитининг субъект сифатида узвий боғланган ахборот, техник, ўқув-методик таъминотнинг тизимли ташкиллаштирилган мажмуаси;

анъанавий ва электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумот базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер-телекоммуникация технологиялари интеграцияси асосида қурилган ягона ахборот таълим муҳити.

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида қуйидагилар келтирилган:

муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаш;

ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириш;

ўқитишнинг илмийлиги ва кўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедия имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиш;

замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқитишни индивидуаллаштириш, интен­сивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириш;

ўқитишнинг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантикий кетма-кетликда қўллаш қобилиятини таркиб топтириш.


Ахборотлашган таълим муҳитида талаба мустақил ишини ташкил этиш ҳолати ва уни ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, ўрни, аҳамияти, мустақил ишни ташкил этиш моҳияти, уни ташкил қилиш йўллари ҳамда воситалари кўрсатиб берилган, шунингдек мустақил ишни ташкил этиш жараёнининг таркибий қисми сифатида қаралиши илмий-методик жиҳатдан асосланган.

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини такомиллаштиришнинг методик тизими олий таълим муассасалари хусусиятларидан келиб чиқиб, табиий фанларни ўқитишда талаба мустақил ишини ташкил этиш ҳолати, ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган ҳамда

уларга оид тушунчалар моҳиятига аниқлик киритилган. Шундан келиб чиқиб, хорижий давлатлар олий таълим тизимида эришилган тажриба билан мамлакатимиз олий таълимидаги ютуқ ва камчиликларни қиёслаш ҳамда бу соҳада аниқ вазифаларни белгилаб олиш мақсад қилиб қўйилган.

Таҳлил натижаларига кўра, олий таълим муассасаларида мустақил ишни ташкил этиш жараёни, унинг ўқув-услубий таъминоти ва ташкилий тузилмалари билан боғлиқ ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд экани аниқланди. Ўқув режада талаба мустақил ишини бажаришида бир қатор камчиликлар мавжуд, яъни талаба мустақил иши бўйича топшириқлар сони ва ҳажми кўп ҳолларда нотўғри тақсимланади, талабалар мустақил ишни тезроқ бажаришда унга юзаки муносабатда бўлади, электрон таълим ресурслари етарли даражада яратилмаган, ахборот таълим муҳитида интернет вебсаҳифалар етарли эмас, маълумотларни ўрганиш жараёнида ижодий ёндашмайди ҳамда мустақил фикр билдирмайди.

Юқоридаги фикрларга таяниб, мустақил ишни ташкил этиш жараёнларини қуйидагича босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (1-расм).




1-расм. Мустақил ишни ташкил этиш босқичлари

Таъкидлаш жоизки, талабаларнинг мустақил ишни ташкил этиш муаммоси психологлар, педагоглар, дидактлар ва методистлар томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Уларнинг тадқиқотлари таълим олувчиларнинг ўқув жараёнидаги мустақил таълим дидактик мақсадларини умумий кўринишда шакллантиришга имкон яратади.

Табиий фандан тадқиқотлар қисқа муддатли (бир ҳафтадан бир ойгача) ва узоқ муддатли (бир ойдан бир неча ойгача) бўлиши мумкин. Талабалар мустақил ишлари бир неча босқичда олиб борилади (2-расм).

Талабаларнинг ўз иш натижаларини лойиҳа шаклида тақдим қилиши уларнинг ижодий фаолияти самарадорлигини янада оширади.




2-расм. Мустақил ишни ташкил этиш босқичлари, алгоритми

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш технологиясининг ташкилий тузилмаси, мақсад ва мазмунини аниқлаб олиш, талабаларнинг билим, кўникма, малакаларини мустақил эгаллаганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш, мониторингини олиб бориш ҳамда билим ва касбий маҳоратларини эгаллаш сифатини баҳолаш учун оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест топшириқларини ишлаб чиқиш, муаммоли ўқитиш шакллари, интерактив методлардан фойдаланиш ҳамда амалиётга жорий этиш каби таркибий қисмлардан ташкил топди.

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишни ташкил этиш мазмунини белгилашда: таълим мазмунига фаннинг асосларини сингдириш, талабаларда мустақил эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш малакаларини шакллантириш, ижодий фаолиятини ривожлантириш, электрон дарсликларни кўпайтириш, ўқитувчиларнинг педагогик билим ҳамда маҳоратини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва амалиётга жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Мустақил ишни амалга ошириш имконини берадиган объектив шарт-шароитларни яратиш (замонавий ўқув жиҳозлари: техника воситалари, дастурий таъминот, электрон дарслик, ўқув ҳамда методик қўлланмалар, вебсаҳифалар, интернет); ўқитувчиларнинг педагогик билим ва маҳоратларини ошириб бориш, илғор педагогик технологиялар назариясига оид маълумотлар бериш, кўникма ва малакаларини ривожлантириш,

мустақил ишини ташкил этишга янгича технологик ёндашувни қарор топтириш; мустақил иш фаолиятининг метод, шакл ва воситаларини қўллаш; машғулотларни ўтказишга жиддий тайёргарлик кўриш вазифаларини амалга ошириш белгиланди. Мустақил ишни ташкил этишдаги номутаносибликни ҳал этишда билимларни мустаҳкамлаш, ҳар қандай маълумотни ижодий характердаги фаолият деб тушуниш, талабалар касбий билимларни эгаллаш, амалий аҳамиятга молик тажрибаларни ўрганиш кераклиги алоҳида таъкидланди ҳамда мустақил ишини ривожлантириш тузилмаси ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Мустақил ишни ташкил этиш тузилмаси


Расмдан мустақил ишни ташкил этишда электрон ресурслардан фойдаланиш, бу соҳадаги номутаносибликни бартараф қилишда, ахборот таълим муҳитидаги маълумотларни мустақил ўрганишда дидактик имкониятларини ҳисобга олиш керак.

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларининг мустақил ишини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари, мустақил ишни ташкил этиш бўйича таҳлил ва мулоҳазалар келтирилган. Бундан ташқари, мустақил ишни ташкил этиш шакллари мантикий тизими яратилди.

Тажрибалар кўрсатадики, мустақил ишни ташкил этиш жараёнидагина талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари шаклланади, мустақил фаолият юритиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлишида ахборот таълим муҳити муҳим аҳамият касб этади. Талаба ўз устида мустақил ва тинимсиз ишласагина, билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин.

Мустақил иш, бир томондан, фаоллик, мустақил иш тутиш, идрок этиш, билиш, қизиқишларни рағбатлантирувчи, жадаллаштирувчи фаолият тури, яъни мустақил иш фаолиятининг асоси, келгусида малака оширишга туртки сифатида, бошқа томондан эса, талабаларнинг мустақил фаолиятига раҳбарлик қилишни таъминлайдиган тадбирлар ёки педагогик шарт-шароитлар тизими сифатида қаралади.

Тадқиқот ишларидан келиб чиқиб мустақил иш элементлари куйидагича изоҳланди (4-расм).



4-расм. Мустақил ишни ташкил этишга қаратилган мустақил иш шакллари

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил ишни ташкил этиш сифати, ўқув-меъёрий ҳужжатлари ва моддий-техник базаси янгилигига узвий боғлиқ, бу эса талаба ва ўқитувчи бир хил таълим воситалари билан таъминланган бўлишини тақозо этади. Танланган усул, шакл ва воситалар бир-бирига мос бўлиши, мустақил ишини ташкил этиш ва мазмуни ёритиш учун улар бир-бирини тўлдирган ҳолда хизмат қилиши керак.

Диссертациянинг “**Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш тизими**” деб номланган иккинчи бобида ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишни ривожлантириш мазмуни ва функциялари ишлаб чиқилди, талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишда ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш методикаси илмий асосланди, талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишни такомиллаштириш ва бошқариш моделлари ёритилди.

Ахборотлашган таълим муҳитида мустақил ишни ташкил этиш режасига мувофиқ ўқитувчи талабага назорат топшириқларини босқичли равишда бериб бориши, бунда бирданига мураккаб топшириқни эмас,

талабанинг ўзлаштириш даражасини босқичма-босқич ривожлантиришга мувофиқ оддийдан мураккабга томон бориш принципида амалга оширилиши лозим. Бу ерда оддий арифметикага амал қилган ҳолда, яъни “ўрта”, “яхши” ва “аъло” ўзлаштирувчиларни микрогуруҳларга тўғри тақсимлаб, топшириқларни босқичма-босқич мураккаблаштириб, анъанавий методлардан интерфаол методларга ўтиш тартибида ўзлаштириш самарадорлигини ошириш талаб қилинади. Талабанинг мустақил фикри дастлаб микрогуруҳ доирасида шаклланиб, сўнг жамоа ҳукмига ҳавола қилинади (5-расм).



5-расм. Муустақил ишни ташкил этиш методикаси

Ахборотлашган таълим муҳитида муустақил ишни ташкил этиш талабаларнинг мантиқий ва танқидий фикрлашни шакллантириш, муустақил топшириқларни бажаришда пайдо бўладиган муаммоларни энг мақбул ечим учун ўз таклифларини ишлаб чиқиш қобилиятини ривожлантиришда асосий ўрин тутаяди. Муустақил ишни ташкил этишда ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёни қуйидаги функцияларга бўлинади:

Муустақил ишни ташкил этишдаги асоси;

Назарий билимларни амалда қўллаш қобилиятини ривожлантиришдаги имкони;

Топшириқларни бажараётганда пайдо бўладиган муаммоларни ижодий ҳал этиш учун тўпланган билимлардан фойдаланиш қобилияти ривожланиши.

Деярли бу функциялар талабаларнинг мустақил иш топшириқларини бажаришдаги пайдо бўладиган мураккабликларининг ортиши борасидаги мақсадли вазифаларни бажараётганда амалга оширилади.

Талабаларнинг мустақил ишни ташкил этишда ахборот таълим ресурсларидан фойдаланишда қўйидаги усулдан фойдаланилди: мустақил ишни ташкил этишни такомиллаштиришни замонавий тарзда моделлаштириш; фан бўйича билимларни чуқурлаштириш учун қўшимча маълумот ва ахборотларга эга бўлиш; назарий ва мустақил ишлашни тайёрлаш.

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишни такомиллаштириш ва бошқариш моделлари белгиланган мақсад ва вазифаларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат бўлган тизим сифатида лойиҳалаштириш мумкин (6-расм).


Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш кўникмасини ривожлантириш биз таклиф этаётган моделнинг асосий компонентларидан бири бўлиб, мазкур жараённи такомиллаштиришда дарсдан ташқари машғулотлар жараёнларининг натижавийлиги аниқланиб, илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ўқитиш воситалари, энг қулай ва самарали ҳисобланган методлар ва ёндашувларни амалиётда қўллаш ҳамда талабаларнинг таълим олиш ва мустақил ўрганишга мойиллиги, қизиқишлари, эҳтиёжлари ва имкониятларини баҳолашда белгиланган вазифаларни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш жараёнида қайта алоқа таъминланиши зарур.

Талабалар ўзини кўпроқ мустақил ва ўзини ўзи бошқарувчи субъект сифатида ҳис этиши, эркин сўзлаши ва фаол иштирок этиши; ўз ўқув фаолиятини таҳлил қилиш ва янги маълумотларни ўзлаштириш жараёнларида улар етакчи ролни эгаллаши, ўзини ўзи ривожлантиришга интилиши; келгусида ўзи қизиққан соҳани эгаллаши учун таълим-тарбия манбаси сифатида хизмат қиладиган ҳаётий тажрибаларни эгаллайди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг мазмуни, методик тавсифи, натижалари ва таҳлили келтирилган.

Республикамизнинг олий таълим муассасаларида талабаларнинг ахборотлашган таълим муҳитида мустақил ишини ташкил этиш, ўқув материалларини лойиҳалаш ва таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш асосида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш кўникмасини шакллантиришга бағишланган тадқиқотни олиб бориш жараёнида Тошкент давлат педагогика университети, Андижон давлат университети, Нукус давлат педагогика институтидан тажриба гуруҳларида ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари “5”, “4”, “3” мезони бўйича баҳоланди.

Илмий-тадқиқот юзасидан тажриба-синов ишлари 2017-2020 йиллар 3 босқичда: ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичда олиб борилди.



6-расм. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишнинг такомиллаштирилган модели

Тажриба-синов ишлари доирасида талабалар билан суҳбатлар ташкил қилинди, тестлар ва сўров ўтказилди, бунинг учун, аввало, ўқув муассасалари раҳбарияти ҳамда профессор-ўқитувчилар жамоаси билан суҳбатлашилди.

Тадқиқотда “Математика фанидан амалий ва мустақил иш” номли ўқув қўлланмаси, замонавий педагогик технология асосида талаба мустақил иш фаолиятини ташкил этиш механизмлари ва уларни ташкил қилиш методикаси, математикадан ўқув машғулоти лойиҳалари ва уларни таълим жараёнига татбиқ қилиш, шу асосда таълим жараёнини ривожлантириш зарурлиги муносабати билан ишлаб чиқилган методика асосида тажриба-синов ишлари ўтказилди. Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижаларнинг самарали эканлиги аниқланди. Тажриба-синов натижасида олинган маълумотлар бўйича статистик таҳлил ишлари χ^2 мезони асосида олиб борилди ва қуйидаги натижалар олинди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал


Таълим муассасаларида тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириши бўйича тақсимоти

№	Таълим муассасалари	Тажриба гуруҳлари			Назорат гуруҳлари		
		5	4	3	5	4	3
1.	Тошкент давлат педагогика университети	4	13	35	3	14	36
2.	Андижон давлат университети	3	18	29	4	17	31
3.	Нукус давлат педагогика институти	4	15	32	4	16	30
Жами		11	46	96	11	47	97

Тажриба-синов ишлари ва олиб бориш учун танлаб олинган олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналиши талабалари контингенти ўрганиб чиқилди ва 1-курслар тажриба ва назорат гуруҳлари сифатида танлаб олинди.

Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида гуруҳларда ўзлаштиришнинг ўртача қиймати $\bar{x} = \frac{\sum x_i m_j}{N}$ деб олинди. Бу ерда x_i – ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо қиймати) бўлиб, улар 3, 4, 5; қийматларни қабул қилади. m_j – баҳоларнинг такрорланишлар сони, N – тажрибада иштирок этаётган талабалар сонини билдиради.

Назорат гуруҳида олиб борилган ўқитишдан самарали экани статистик усуллар орқали тасдиқланди. Тажриба гуруҳидаги самарадорлик 1.13 баравар, яъни 13 фоиз юқорилиги исботланди. Таълим муассасаларида ўртача самарадорлик 1.13-1.14 бароварга ошганлиги, яъни олиб борилган тадқиқот ишлари 14% га самарали экани математик-статистик усуллари ёрдамида исботланди. Ушбу ўртача қиймат кўрсаткичларнинг диаграмма кўриниши қуйида келтирилди (7-расм).



7-расм. Таълим муассасаларининг ўртача самарадорлик кўрсаткичлари

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг муайян тартибда ва дастур асосида ташкил қилиниши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш борасидаги назарий билим ҳамда амалий кўникма ва малакаларга эга бўлиши таъминланди.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш бўйича олинган тадқиқот иши натижалари асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Ахборотлашган таълим муҳитида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикаси, анъанавий ва электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумотлар базалари, ўқув-методик мажмуаларини мужассамлаштирувчи компьютер телекоммуникация технологиялари интеграцияси доирасида ягона ахборот таълим муҳитини ташкил этишнинг педагогик жиҳатлари таҳлил қилинди.

2. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш жараёни босқичлари, тузилмаси, иш шакллариининг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга оид таклифлар асосида “Математика фанидан амалий ва мустақил ишлар” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилди. Натижада, ўқув-билув жараёнини таъминловчи ахборот-техник, ўқув-методик таъминот, мультимедиали электрон таълим ресурсларини яратиш методикасини такомиллаштиришга эришилди.

3. Талабаларнинг мустақил ишини ривожлантириш тузилмаси педагогик технологиялардан фойдаланиш, виртуал таълим муҳитини ташкил этиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш таълим технологияларининг дидактик имкониятларини ҳисобга олиш жараёнларини тизимлаштириш асосида такомиллаштирилди.

4. Талабаларнинг мустақил иш фаолияти педагогик технологиялардан фойдаланиш, виртуал таълим муҳитини ташкил этиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш таълим технологияларини такомиллаштириш, талабаларнинг билим салоҳиятини мустаҳкамлаш, креатив фикрлай оладиган шахсни тайёрлаш имкониятларини кенгайтириш асосида ривожлантирилди.

5. Тажриба-синов ишлари натижасида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш жараёни босқичлари, тузилмаси, иш шаклларининг ўзаро муносиблигини таъминлаш, мустақил фикрлаш шахсий, мулоҳазаларни баён қилиш, қарор қабул қила олиш, шахсий-касбий компетентликни ривожлантириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

6. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш методикаси билиш жараёни омилларининг педагогик-психологик хусусиятларини электрон ахборот ташувчилар, виртуал кутубхоналар, тақсимланган маълумотлар базалари, ўқув-методик мажмуаларни компьютер телекоммуникация технологиялари билан уйғунлаштириш асосида аниқлаштирилди.

7. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш босқичлари ташкилий-методик таъминотдан фойдаланиш интеграциясига амал қилиш ҳамда виртуал таълим муҳитини яратиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, таълим технологияларининг дидактик имкониятларини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилди.

8. Талабаларнинг мустақил ишлаш натижадорлиги даражасини ошириш ёндашувлари шахс ва ижодкорлик фаолиятини ўрганиш таркиби ҳамда матн таҳлили элементларини киритиш асосида такомиллаштирилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.01.2020. Ped. 26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЖАНАБЕРГЕНОВА АЙСУЛЫУ ЖАКСЫЛЫКОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ОРГАНИЗАЦИИ
САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ В
ИНФОРМАЦИОННОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЕ**

13.00.06 – Теория и методика электронного образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.4.PhD/Ped719

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Ибрагимов Холбой Ибрагимович
доктор педагогических наук, профессор

Эргашев Жамшид Бахтиёрович
Доктор философии по педагогических наукам (PhD)

Ведущая организация: Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «12» ноября 2021 года в 8⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2020. Ped.26.0Y при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №14) (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32.

Автореферат диссертации разослан «1» ноября 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 31 от «1» ноября 2021 года).



М.Э.Хайдаров
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.п.н., проф.

Р.Г.Исенов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.п.н., доц.

Н.А.Муслимов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.п.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире внедрены в образовательный процесс локальные модульные технологии развития самостоятельной работы, креативных (творческих способностей) студентов высших педагогических образовательных учреждений. В рамках Болонской Декларации Организации Объединенных Наций проводится системная работа, направленная на активизацию процесса обучения, повышение качества образования, развитие организации самостоятельной работы студентов, обеспечение вариативности активных и интерактивных форм обучения, совершенствование систем оценки результатов образования по повышению уровня профессиональной компетенции будущих специалистов и внедрение в практику крупных проектов.

В образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира проводятся научно-исследовательские работы по совершенствованию самостоятельной работы участников образовательного процесса, формированию личностно-профессиональных, творческих возможностей и интегративного мышления студентов, определению психологических особенностей обучения в режиме онлайн, расширению педагогических возможностей межотраслевой интеграции. Вместе с тем, особое внимание уделяется исследованиям в области применения современных дидактических средств в развитии компонент самостоятельной работы студентов, совершенствования содержания профессионально-ориентированного образования, широкого применения мультимедиа, информационно-коммуникационных технологий, развития креативных способностей студентов, совершенствования методики организации их самостоятельной работы.

В образовательных учреждениях нашей республики создана нормативная основа совершенствования на основе опыта зарубежных стран самостоятельной работы студентов, учебно-методического обеспечения, внедрения в образовательный процесс новых технологий обучения, развития сотрудничества высших образовательных учреждений с зарубежными научными, образовательными учреждениями внедрения педагогических технологий и учебно-методического материала, основанного на учебном процессе, международных образовательных стандартах, также развивается инфраструктура образовательных учреждений. В настоящее время в результате проводимых в нашей республике реформ в качестве приоритетной назначена задача “воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение ее социальной

активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества”³.

Диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, №ПП-4642 «О мерах по широкому внедрению цифровых технологий в городе Ташкенте» от 17 марта 2020 года, №ПП-4851 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования в области информационных технологий, развитию и интеграции научных исследований с IT-индустрией» от 6 октября 2020 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий в республике I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Теория информатизации образования изучена в научных работах У.Бегимкулова, Р.Жураева, М.Цоя; вопросы организации самостоятельной работы в высших образовательных учреждениях – Б.Зиёмухаммадова, Ж.Г.Йулдошева, Н.С.Сайидахмедова, Х.Каршибоева; проблемы внедрения информатики и информационных технологий в образование - Г.Абыловой, А.Ашировой, М.Мамаражабова, У.Насритдиновой, С.Турсунова, М.Файзиевой, Д.Эсонбаевой; совершенствование содержания и методики самостоятельной работы студентов – М.Баракаева, Т.Жураева, Г.В.Злоцкого, Г.Изетаевой, О.А.Куйсинова, С.И.Кулмаматова, М.Тожиева, Н.Р.Гайбуллаева, Д.Юнусовой и др.

Научные исследования в области технологических аспектов развития информационной образовательной среды проводили А.М.Башмаков, С.В.Коровин, В.В.Мешков, В.А.Старых; совершенствования самостоятельной работы студентов – Н.В.Сметанина, Г.И.Саранцев, Л.П.Якушкина, А.А.Дробышевский; по подготовке к применению информационно-коммуникационных технологий в профессионально-педагогической деятельности – Е.Н.Пряхина, Н.Е.Пикина, В.Пугач, Н.Софронова и др.

³ Указ Президента Республики Узбекистан. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. №УП-4947. 7 февраля 2017 года. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

В работах С.W.Cobb, G.Pimbley, P.H.Douglas, Дж.Дьюи, И.Ф.Гербард, Я.А.Коменского освещены вопросы повышения эффективности самостоятельной работы; Ch.Abbott, N.Anderson, F.Barbara, A.Connell, A.Edwards, M.Hammin, V.Jadhav, S.Kennewell, A.Sharma, S.Sharma, W.N.Chambers, E.L.Cowen, Locard James, F.Raymond, H.Tanner, C.Wickens – значение и основы применения информационных технологий в образовании.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта А-1-23 - “Создание комплекса мультимедийных разработок уроков по математике для учителей начальных классов” плана научных работ ташкентского государственного педагогического университета.

Цель исследования состоит в разработке рекомендаций по совершенствованию самостоятельной работы студентов в информационно-образовательной среде.

Задачи исследования:

подвергнуть анализу возможности организации самостоятельной работы на традиционных и электронных носителях информации, виртуальных библиотеках, распределенных базах данных;

совершенствовать методику создания информационно-технического, учебно-методического обеспечения учебно-познавательного процесса, мультимедийных электронных образовательных ресурсов;

совершенствовать комплексную технологическую модель организации самостоятельной работы в информационной образовательной среде;

